

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
гранти ва стипендияси учун танлов ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом:

республикамизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида илм-фаннынг ўрнини янада мустаҳкамлаш,

соҳада фаолият юритаётган катта илмий ходим-изланувчилар, талаба ёшларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш,

илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этиши,

фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳимлигидан келиб чиқиб,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг (кейинги ўринларда “Федерация” деб юритилади) соҳада тадқиқотлар олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиларга грант ва талabalар (магистрантлар)га стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

грант – олий таълим муассасалари катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил изланувчиларига мазкур Низом билан белгиланган шартларда аниқ тадқиқотларни амалга ошириш учун ажратилган беғараз мақсадли пул маблағлари.

Федерация гранти меҳнат соҳасида халқаро ва миллий стандартлар, жумладан бандликни кафолатлаш, бирлашиш эркинлиги, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иктисодий муҳофаза, касаба уюшмалари фаолияти, жамоа музокаралари ва бошқа турдош йўналишларда илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширувчи олий таълим муассасаларининг катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиларини рағбатлантириш мақсадида танлов асосида тақдим этилади;

стипендия – олий таълим муассасалари талabalari (магистрантлар)га Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, қўшимча тўланадиган ойлик пул таъминоти.

Стипендия чуқур касбий билимларни эгаллаш, мутахассисларни тайёрлаш сифатини янада ошириш учун зарур шароитлар барпо этиш, шунингдек меҳнат соҳасида халқаро ва миллий стандартлар, жумладан бандликни кафолатлаш, бирлашиш эркинлиги, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иктисодий муҳофаза, касаба уюшмалари фаолияти, жамоа музокаралари ва бошқа турдош йўналишларда илмий-амалий тадқиқотларни олиб бораётган ёки шу соҳага оид ижтимоий лойиҳа ишлаб чиқсан талаба (магистрант)ларни рағбатлантириш мақсадида тўланади;

тадқиқот – мақсади ва амалга оширишнинг аниқ муддатлари, маълум бир ахоли қатлами манфаатига йўналтирилган, якунида эълон қилинган натижага олиб келувчи тадбир ёки комплекс тадбирлар;

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ – Федерация (тизим) мутахассислари ва Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ва бошқа мутахассислардан таркиб топган маҳсус гурӯҳ.

2. Танлов Федерация Кенгаши Раёсати томонидан тасдиқланадиган таркибдаги танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов комиссияси йиғилиши танлов учун камида иккита талабгор хужжатлари келиб тушган вақтда ўтказилади.

Танлов комиссияси йиғилиши мазкур Низомда белгиланган муддатларда ўтказилади. Эълон бўйича белгиланган муддатларда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан хужжатлар келиб тушмаса, танлов комиссияси мавжуд (битта) таклифни кўриб чиқиши мумкин.

Танлов комиссияси хulosаси йиғилишда аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Танлов комиссияси қарори иштирок этувчиларнинг тасдиқлаш ҳақидаги кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

3. Федерация стипендияси 2018-2019 ўқув йили учун магистратура ва бакалавриат талабаларини рағбатлантириш мақсадида белгиланади.

Голибга бериладиган стипендия миқдори танлов ғолиблари эълон қилинган куни республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (үн) баробари миқдорида белгиланади. Бунда неча нафар талабага стипендия тайинлаш танлов комиссияси томонидан белгиланади.

Стипендия 2018-2019 ўқув йили учун бир йўла тўланади.

Федерация гранти катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиларни рағбатлантириш учун белгиланади. Грант фонди тақдим этилган лойиҳанинг асосланганлик даражасига мувофиқ республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 75 (етмиш беш) баробаригача миқдорда белгиланади. Бунда грантнинг миқдори танлов комиссияси томонидан афзаллик берилган ғолиблар сонига нисбатан тақсимлаш орқали белгиланади.

Федерация гранти танлов комиссияси тавсиясига кўра бир йўла тўланиши мумкин.

4. Федерация стипендияси олий таълим муассасалари (бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Федерация томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

Талабаларга Федерация стипендияларини тайинлаш учун қуйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

Мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилган йўналишларда илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишларини олиб бориш;

мазкур йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

Федерация томонидан эълон қилинган тадбирларда фаол иштирок этиш.

Кундалик дарсларни ўзлаштирмайдиган, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузган талабалар ўқув йили мобайнида танлов комиссиясининг хulosасига биноан Федерация Кенгashi Раёсати қарори билан стипендиядан маҳрум қилиниши мумкин.

Федерация стипендияси учун талабгорлар томонидан қуйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- таълим муассасасининг талабгор ҳақидаги маълумотномаси;
 - талабгор олиб бораётган тадқиқотнинг (магистрлик диссертацияси ёки диплом иши) аннотацияси;
- Агар талаба танловда ижтимоий лойиҳа асосида қатнашаётган бўлса, унда белгиланган мавзудаги ижтимоий лойиҳанинг батафсил матни тақдим этилади (бунда лойиҳа мақсади, унинг ижтимоий аҳамияти ва амалий натижаларга йўналтирилганлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш механизмлари аниқ кўрсатилган бўлиши лозим);
- тадқиқот олиб борилаётган муассасанинг (кафедра, илмий-тадқиқот маркази) тавсияномаси (ижтимоий лойиҳа учун илмий раҳбар тақризи);
 - талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - Федерация порталида (www.kasaba.uz) эълон қилинган бошқа ҳужжатлар.

5. Федерация гранти танлов комиссиясининг танлов асосидаги хулосасига мувофиқ тайинланади.

Бунда биринчи навбатда катта илмий ходим-изланувчилар тадқиқотлари, шунингдек қўйидаги мезонларга жавоб берувчи тадқиқотларга афзаллик берилади:

- тадқиқотнинг ижтимоий аҳамияти ва амалий натижаларга йўналтирилганлиги;
- тадқиқотнинг Федерация Устав фаолияти ва йўналишларига тўғри келиши;
- тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва инновационлиги, шунингдек тадқиқот натижаларидан ўқув жараёнида, ННТларнинг фаолияти, халқаро меҳнат стандартларининг миллий қонунчиликка имплементацияси ва Федерациянинг қонун ижодкорлиги соҳасида кенг фойдалана олишлиги;
- тадқиқот натижаларидан манфаатдор қатламнинг мавжудлиги;
- тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатувчи халқаро ва миллий ташкилотларнинг ҳамда эксперт, мутахассисларнинг ёзма хулосаларининг мавжудлиги.

6. Федерация гранти учун талабгорлар томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таълим муассасасининг талабгор ҳақидаги маълумотномаси;
- тадқиқот олиб борилаётган муассасанинг (кафедра, илмий-тадқиқот маркази) тавсияномаси;
- талабгор олиб бораётган тадқиқотнинг аннотацияси;
- катта илмий ходим-изланувчи ёки мустақил изланувчилигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Федерация порталида (www.kasaba.uz) эълон қилинган бошқа ҳужжатлар.

7. Танловда иштирок этиш учун талабгорланинг ҳужжатлари Федерация томонидан тасдиқланган ва Федерация порталида (www.kasaba.uz) эълон қилинган муддатда топширилади.

8. Танловда иштирок этмоқчи бўлган талобгорлар ҳужжатлари Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси ёки унинг худудий бирлашмаларига топширилади.

Низомда талаб этилган рўйхат бўйича камчиликлар билан топширилган ҳужжатлар танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди, танлов комиссиясининг хulosаси қайта кўриб чиқилишига ва устидан шикоят қилинишига йўл қўйилмайди.

Талабгорларнинг ҳужжатлари танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва унинг натижалари Федерациянинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Танловда ғолиб бўлган талабгорлар билан грант (стипендия) шартномаси тузилади.

ЎзКУФК Раёсатининг
2018 йил 19 октябрдаги
11-11 “с”-сон қарорига 2-илова

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси
грант ва стипендияси учун танлов комиссияси таркиби**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Махмадалиев Бахтиёр Хасанович	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси раиси ўринбосари, танлов комиссияси раиси
2.	Премкулов Ҳамидулла Рахматуллаевич	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бўлим мудири, танлов комиссияси раиси ўринбосари
3.	Исаев Махмуджон Ниматович	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бўлим мудири, танлов комиссияси аъзоси
4.	Самарбеков Равшанбек Юлдашович	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бўлим мудири, танлов комиссияси аъзоси
5.	Каримова Нодира Баҳодиржановна	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бўлим мудири, танлов комиссияси аъзоси
6.	Бедилов Равшан Мелсович	Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси, танлов комиссияси аъзоси
7.	Карабоев Рахматилла Абдусатторович	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бўлим мудири, танлов комиссияси аъзоси
8.	Саримсакова Гульнора Кадировна	Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, танлов комиссияси аъзоси
9.	Барсиева Замират Хасанбековна	Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, танлов комиссияси аъзоси
10.	Бабаниязова Гузалья Тургунбаевна	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси бош юрисконсульты, танлов комиссияси котиби

Изоҳ: Комиссия аъзолари лавозими ўзгарган ҳолларда ушбу лавозимга
тайинланган шахс комиссия аъзолигига ўтади.